

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

2006 йил, 9 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Финляндия Республикаси Парламентининг хорижий ишлар қўмитаси раиси Лийса Яконсаари хоним раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова билан учрашди.

• Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Наманган вилоят Кенгашининг тақлифига кўра вилоятда 1-28 февраль кунлари маънавият ва маърифат ойлиги ўтказилмоқда. Бундан кўзланган мақсад фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан юритилаётган ички ва ташқи сиёсат билан кенг таништириш, аҳоли айниқса ёшларда миллий қадриятларга ҳурмат, ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар моҳиятини, Миллий истиқлол гоёсини англаш ҳиссини шакллантиришдир.

• Қорақалпоғистон Республикаси Корейс миллий маданияти марказида «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзусида байналмилал кеча бўлиб ўтди. Унда Оролбўйида яшаб, шу замин равнақиға ҳисса қўшаётган ишлаб чиқариш илгорлари, зиёлилар ҳамда санъаткорлар иштирок этишди.

• Фафур Фулом номидаги Сурхондарё вилояти болалар кутубхонасида Ҳомийлар ва шифокорлар йиллиги бағишлаб «Ҳомийлар ва шифокорлар эл ардоғида» деб номланган китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмадан мамлакатимиз нашриётларида чоп этилган ўзбек ва қардош халқлар ёзувчи ва шоирларининг асарлари ўрин олган.

• Бўз туманида яқин кунларда рақамли телефон станцияси фойдаланишга топширилади. Янги станция 1160 абонент ҳамда 390 та қорхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатади. Бу абонентларга республикамизнинг барча нуқталари билан бевосита алоқа боғлаш имконини беради.

• Андижонда рус тили ва адабиёти бўйича олимпиаданинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Филологик танловда туман ва шаҳар Олимпиадаларининг ғолиблари бўлмиш 70 нафар мактаб ўқувчилари иштирок этди. Ташкилотчилар фикрига кўра, ушбу олимпиада Андижон вилоятидаги нафақат шаҳарларда, балки узоқ қишлоқларда яшовчи ўқувчиларнинг ҳам рус тилига бўлган қизиқиши ортанлигини кўрсатмоқда.

• «Фаллабанк»нинг Кува филиали томонидан ажратилган 35 миллион сўм кредит ҳисобига Кува шаҳридаги «Деҳқон бозори» худудида 100 дан зиёд савдо дўконлари қурилади, 300 та пештахта замонавий усулда таъмирланди. Энг муҳими, ушбу ишларга сарфланган маблағнинг бир қисми жамоанинг ўтган йилги даромади ҳисобига қопланди.

• Сирдарё туманидаги «Малик» уруғчилик маркази сара уруғ етказиб беришда катта тажриба тўплаган. Ҳозирда бу ерда «С-47-27», «Оқдарё», «Ан-Боёвут-2» каби уруғчилик чигит тайёрланмоқда. Марказда шу кунга қадар 3,5 тоннага яқин уруғлик ҳозирланди. Февраль ойида ер эгаларига яна 500 тонна уруғлик етказиб бериш режаланган.

## ЖАҲОНДА

• Кеча Россия Президенти Владимир Путиннинг Испанияга икки кунлик давлат ташрифи бошланди. Ташриф доирасида 8 та ҳужжат имзоланиши режалаштирилган. Улардан энг асосийси террорчиликка қарши курашиш бўйича қўшма баёнотдир.

• Америка ҳукумати Афғонистоннинг қарзларини кечиб юбориши ҳақида хабар қилди. АҚШ давлат департаменти вакили Шон Мак-Кормакнинг маълум қилишича, қарзлардан кечиш жараёни кредитор мамлакатларнинг Париж клуби қоидаларига кўра амалга оширилади. Шон Мак-Кормак бошқа давлатларни ҳам АҚШ ҳукумати каби Афғонистоннинг қарзларини кечишига ҳақиқатда, шу пайтгача Россия, Германия ва бошқа бир қатор давлатлар бу борада розилик билдирганини айтиб ўтди.

• ХАМАС етакчиларидан бири Халид Мешаал мабодо Исроил 1967 йилги чегарасига қайтса ташкилот расмий Тель-Авив билан музокараларни бошлашга рози эканлиги, узоқ муддатли тинчлик битимини имзолаш мумкинлигини билдирди.

• Кеча Чеченистоннинг Курчовой туман марказида жойлашган «Восток» ҳарбий батальонида портлаш рўй бериб, кучли ёнғин чиқди. Сўнги маълумотларда айтилишича, портлаш натижасида 12 кишининг жасадлари вайрондан чиқариб олинган, яна бир ҳарбий касалхонада ҳаётдан кўз юмган. 20 нафардан ортиқ ҳарбий турли даражада жароҳатланган. Айни пайтда ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

• Исломобод яқинидаги Абдулқодирхон номидаги ядровий тадқиқотлар бош марказида портлаш юз берган. Мамлакат Куроли кучлари матбуот маркази раҳбари, генерал-майор Шавкат Султон берган баёнотга кўра портлаш натижасида марказнинг портловчи моддалар бўлимида ишловчи техник ходимлардан бири ҳалок бўлган. Айни пайтда портлаш сабаблари ҳарбийлар томонидан ўрганилмоқда.

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 10 февраль кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундиға 2-7 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 7-9, кундузи 16-18 даража илик бўлади.

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 27 (10.584) Баҳоси эркин нарҳда

## Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллигига

### УЛУҒ ШОИРГА ЭҲТИРОМ

**МАМЛАКАТИМИЗДА БУЮК МУТАФАККИР, ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ, УЛУҒ ШОИР АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУНИ ТАНТАНАЛИ ВА КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА.**

Бугун эрта тонгда пойтахтимиздаги буюк аллома номи берилган Ўзбекистон Миллий боғидаги Алишер Навоий ҳайкали майдони олдида мутафаккир таваллудининг 565 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Тадбирга давлат, жамоат ва маданият арбоблари, адабиётшунос олимлар, ёзувчи, шоирлар ҳамда талаба-ўқувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари йиғилди.

Маросимни Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов кириш сўзи билан очиб, жумладан шундай деди: «Биз ҳар йили улуг бобокалонимиз, миллатимиз ифтихори Ҳазрат Навоийга ўз эҳтиромимизни билдириб, ёдгорликларни пойига гулдасталар кўямиз. Миллий ва умуминсоний қадриятларни тиклаш ва эъзозлаш Истиқлолимиз йилларида давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва у абадий давом этгусидир. Муҳтарам Президентимиз буюк аллома ҳақида «Агар бул зотни авлиё десак - у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак - мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак - шоирларнинг султони-дир», деган эдилар. Ушбу таъриф Алишер Навоийнинг наинки миллатимиз доирасида, балки умумжаҳон миқёсидаги макомига берилган ҳаққоний ва холисона баҳодир. Навоий ижодиёти ва фаолияти барча халқлар, барча миллатлар учун ибрат намунаси бўла олади».

Маросимда сўзга чиққан Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Фарид Мухаметшин жажон адабиёти ҳазинасига муносиб ҳисса қўшган миллатимиз ифтихори Алишер Навоийга юсак баҳо берар экан, бугунги кунда унинг ижоди барча миллатлар учун муҳим тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги, алломанинг бой маънавий меросини ўрганиш долзарб ва муҳимлигини қайд этди.

Тадбирда шоирлар ва навоийшунос олимлар Алишер Навоийнинг серкирра ижоди ҳақида фахр билан сўзладилар, ғазалларидан ёд олдилар. Шахримиз жамоатчилик вакиллари мумтоз куй садолари остида Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Улуғ шоир тавал-



лудига бағишланган тантаналар шу кунги Шоирлар хибонидидаги Алишер Навоий ҳайкали пойида шеъронлик, ғазалхонлик тарзида мушоира билан давом этди.

Алишер Навоий номидаги Миллий боғда бўлиб ўтган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев иштирок этди.

**Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: Алишер Навоий номидаги Миллий боғда бўлиб ўтган тантанали маросимдан лавҳалар.**

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Каска сатрларда

• **КЕЧА** Бектемир туманида туманда фаолият кўрсатаётган йирик sanoat қорхоналари раҳбарлари ва касаначилик билан шуғулланиш истагини билдирган фуқаролар иштирокида Юртбошимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик sanoat қорхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўрнатишда кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• **БУГУН** Чилонзор туманидаги 181-мактабда «Камолот» ЕИХ туман бўлими қошидаги «Махалла умидлари» маркази ташаббуси билан «Кизлар — миллат келажаги» шиори остида кизлар иштирокида кўриктанлов ўтказилди.

• **БУГУН** 110, 214-мактабларда «Камолот» ЕИХ Миробод туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Навоий асарлари — ҳозирги ёшлар талқинида» мавзусида уюштирилган адабий кечада «Камолот» сардорлари, фаоллари иштирок этишди.

• **БУГУН** «Кўйлик буюм бозори» масъулияти чекланган жамаиятида Бектемир туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЕИХ, «Адолат» социал-демократик партиясининг туман бўлимидаги ҳамкорликларида ўтказилган тадбир «Жамаиятимизда ислом динининг тутган ўрни» деб номланди.

• **БУГУН** Ҳамза туман ҳокимлигида «Камолот» ЕИХ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан сардорлар ва етакчилар Кенгаши аъзолари иштирокида ўтказилган семинар ёшлар онгида маънавиятнинг шакллантиришининг долзарб аҳамиятига бағишланди.

• **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Чинобод» санаторийида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан Алишер Навоий ижодий меросининг аҳамиятига бағишлаб адабий кеча уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва  
ўз мухбирларимиз  
хабарларидан.

## ХАВҒСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

**ТОШКЕНТДА «НАРКОТИК ВОСИТАЛАР, ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ВА ПРЕКУРСОРЛАРНИ НОҚОНУНИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, АЙЛАНТИРИШ, ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШНИ НАЗОРАТ ЭТИШ СОҲАСИДА ЎЗАРО АНГЛАШУВ ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ МЕМОРАНДУМ»ГА ҚЎШИЛГАН ДАВЛАТЛАРНИНГ ЕТИНЧИ УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда ушбу ҳужжатга қўшилган давлатлар — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбойжон, Россия, шунингдек, БМТнинг Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасидан вакиллар, қатор хорижий мамлакатлардан кузатувчилар, мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, республикамизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Анжумани Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирини Э.Ғаниев бошқарди.

Бугунги кунда гиёванд моддаларнинг ноқонуний савдоси халқаро хавфсизлик ва барқарорликка жиддий таҳдид солаётган трансмиллий хавфга айланган. Бу муаммага қарши фақат изчил ҳамкорликда курашилгандагина қутилган натижага эришиш мумкин.

Президент Ислам Каримов кўп бор таъкидлаганидек, хавфсизлик йўлида кенг қўламак халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни давр тақозо этаётди.

«Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни ноқонуний ишлаб чиқариш, айлантириш, истеъмол қилишни назорат этиш соҳасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум» 1996 йил май ойида Тошкентда Марказий Осиёнинг беш давлати (Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон) ва БМТнинг Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси томонидан имзоланган эди. Кейинчалик унга Россия Федерацияси ва Озарбойжон қўшилди. Бу билан гиёванд моддаларни назорат қилиш борасидаги халқаро ҳамкорлик қўламини кенгайтириш учун катта имконият яратилди.

Гиёванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ҳақида гап кетганида, аввало, Афғонистон тилга олинади.

— Афғонистон ҳамон халқаро миқёсдаги гайриқонуний наркобизнеснинг таянч нуқтаси бўлиб қолаётди, — деди БМТнинг Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ижрочи директори ўринбосари Сумру Ноян хоним. — 2005 йилда бу мамлакатдан 420 тонна героин ва морфин экспорт қилинган. Шунинг 100 тоннадан ортиги Марказий Осиё, яна шунчаки Покистон, 200 тоннадан кўпроги эса Эрон худуди орқали ўтган.

Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Ф.Мухаметшиннинг таъкидлашича, дунёда етиштирилаётган «қора дорининг қарийб 87 фоизи Афғонистон ҳиссасига тўғри келади. БМТнинг расмий маълумотларига кўра, 2005 йилда бу мамлакатда 4100 тонна кўкнори етиштирилган. Бундай гиёванд моддаларнинг муайян қисми «шимолий йўналиш» бўйича, яъни Марказий Осиё ва Россия орқали Европага чиқмоқда. Афғонистон ҳукумати ва бу мамлакатдаги хорижий континентнинг томонидан қилинаётган ишлар эса оғуфрушликка қарши курашда кескин бурилиш ясай олмаётди.

Гиёванд моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашда турли халқаро ташкилотлар, хусусан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) ҳамда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик муваффақиятли кечмоқда. Жумладан, 2004 йилда ШХТга аъзо мамлакатлар ўртасида наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланган.

Аммо, наркобизнес ҳамон халқаро террорчиликнинг молиявий таянчига

айланиб бормоқда. Марказий Осиё давлатлари халқаро террорчилар томонидан қўллаб-қувватланадиган наркомафиянинг нишонларидан биридир. Мазаланинг муҳим томони шундаки, наркотик моддаларни Фарб давлатларига етказиш йўллари айнан шу минтақа орқали ўтмоқда.

Халқаро ҳамжамият ва минтақа давлатлари Афғонистонда етиштирилаётган гиёванд моддалар микдори ортиб бораётгани тўғрисидаги қўриқилган дуч келаётди. Ўзбекистон раҳбарияти наркотрафикнинг олдини олишда муайян худудлар бўйлаб «хавфсизлик камари» барпо этишининг ўзи қийин қилмаслигини кўп таъкидлаган.

Муаммони биринчи навбатда Афғонистон иқтисодиёти тубдан янгилаш ва ривожлантириш, аҳолини фойдала мекнатга жалб этиш орқали ечиш мумкин.


Айтиб ўтиш жоизки, БМТ Бош қотиби Кофи Аннанин 2002 йил октябр ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида Президент Ислам Каримов наркотик моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш марказини тузиш ташаббусини илгари сурган эди. Бугунги воқелик мазкур ташаббуснинг нечоғли муҳим ва долзарб эканини кўрсатмоқда. Маълумотларга қараганда, 2005 йили БМТ томонидан ушбу марказни тузиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилиб, ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Анжуманда ахборот-мувофиқлаштириш марказининг тузилиши билан боғлиқ ҳужжатлар қўриб чиқилди. Марказ тузилиши гиёванд моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашнинг зарур чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, бу борадаги ҳамкорликни фаоллаштириш борасида муҳим аҳамият касб этиш таъкидланди.

Учрашув якунида Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш марказини тузиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Фазлиддин АРЗИЕВ,  
ЎЗА мухбири

# Маҳалла — ота-онани



2006 — Хомийлар ва шифокорлар йили

## ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ЭЛИМИЗ ОБОД БЎЛСИН

**МАҲАЛЛА — ИНСОФУ ДИЁНАТ, МЕҲРУ ОҚИБАТДАН САБОҚ БЕРУВЧИ, КЕРАК БЎЛСА ТЕРГАБ, ТАРТИБГА ЧАҚИРУВЧИ, ЛОЗИМ ВАҚТДА КИШИЛАРНИНГ БОШИНИ СИЛАБ МУРУВВАТ КЎРСАТУВЧИ МАСКАН. У ОДАМЛАРНИ ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИКДА ВА ҚУДА-АНДАЧИЛИКДА ЯШАШГА УНДАБ, КЕКСА, НОГИРОН, КЎМАККА МУҲТОЖЛАРНИ БАҒРИГА ОЛИБ, БЕМИННАТ КЎМАК БЕРАДИГАН ҚУТЛУГ ЖОЙ.**

ишлар амалга оширилди. Ёш болали оналар, вояга етмаган ўсмирлар, кекса, ногирон, кам таъминланган оилалар тиббий кўриқдан ўтказилиб, лозим бўлганлар имтиёзли йулланма, бепул доридармонлар билан таъминланди. Каттао кичикнинг спорт билан шугулланишлари учун зарур шарт-шароит яратилди.

Хар бир ишимиз фуқаролар билан ҳамжихатликда, хотин-қизлар комиссияси раиси Мавлуда Одилова, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Шохиста Нурмухамедова, посбонлар сардори Ойниша Мирхамидова ва фалоллар кўмағида амалга оширила-



ди. Тинчлик-хотиржамликни сақлаш йўлида эса худудимиздаги 368-таъин пункти профилактика инспекторлари, катта лейтенантлар ва шифокорлар йили деб номланди. Бу йилги режаларни ҳам белгилаб олди. Албатта хар бир иш ўз-ўзидан амалга ошири-

Утган йилнинг мантиқий давоми сифатида, хайрли мақсадлар кўзланиб жорий йилимиз Хомийлар ва шифокорлар йили деб номланди. Бу йилги режаларни ҳам белгилаб олди. Албатта хар бир иш ўз-ўзидан амалга ошири-

деб билан. Улар маҳалланинг яхши-ёмон, оғир-енгил кунда ёнимизда туришади, беминнат ёрдам қилини қўйишади. Қобил Тошмухамедов, Мўмин Латипов, "Пресс-тик" корхонаси директори Бахтёр Муслимов каби соҳаватли хомийларимиздан аҳолимиз беҳад миннатдор.

Эл дуосини олган инсонларнинг хамиша ҳаётда омадлари келсин, уларнинг сафи бунданда ортин деб ният билдириб қоламиз.

Азиза МУҲАМЕДОВА

**СУРАТДА: МАҲАЛЛАДА БИРОРТА ТАДБИР МАҲАЛЛИ ТАЖРИБАГА БОЙ КЕКСАЛАРНИНГ БОШ-ҚОШИГИСИЗ ЎТМАЙДИ.**

**2006 — ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИДА БЕЛГИЛАНАЁТГАН БАРЧА ТАДБИРЛАРНИ ИНСОН САЛОМАТЛИГИ, ЮРТ, МАҲАЛЛА, ҚОЛАВЕРСА ҲАР БИР ОИЛА ТИНЧЛИГИ ВА ОСОИШТАЛИГИ ЙЎЛИДАГИ САЎЙ-ҲАРАКАТЛАР СИФАТИДА БАҲОЛАШ МУМКИН.**

Туманларда

### ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Бу борада Собир Раҳимов туманидаги Беруний номидаги маҳаллада амалга оширилаётган ишлар ҳам шу ер аҳолиси жонига малҳам бўлмоқда дейиш мумкин.

Маҳаллада муҳтожларга маънавий ва моддий кўмак беришнинг қолинмасдан, ҳозирги кунда бу ерда хар бир эҳтиёжман оилалар, ёлғиз қариялар ва ногирон инсонларнинг байрамларда кўнгилларини кўтариб, ҳолларидан хабар олиб турилади. Бу ерда истиқомат қилувчи шифокор ва ҳамширалар томонидан беморларга қараш, керак вақтда уйларига бориб маслаҳат ва даволашни амалга ошириш белгиланган. Маҳалланинг хар бир аҳолиси ўз хуқуқини ҳимоя қилиш масаласида хуқуқшунослардан маслаҳатлар олиши мумкин. Маҳалла хотин-қизлар комиссияси фаоллари ва диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчининг иш режаларига мурдофик аёлларнинг маданий ҳордиқ чикаришларига шарт-шароитлар яратилган.

Утган йили маҳалладошлар «Шахидлар хотираси» мажмуаси, Ўзбекистон тарихи ҳамда Темурийлар тарихи Давлат музейларига экскурсия уюштирилди, шунингдек пойтахтнинг гўзал масканлари, янги бунёд этилган иморатларга маҳабатли кўприклар билан таништиришга олиб борилди.

Бундан ташқари, 60 дан 100 ёшгача бўлган маҳалладаги пиробадвалтларнинг қутлуғ таваллуд саналари байрамона нишонланиб келинади. Бундай улуг ёшларнинг табриқлаш маросимлари маҳаллада ҳамда Ўзбек Миллий академик драма театрида совға-саломлар билан, ёзувчилар ва санъаткорлар иштирокида ўтказилади.

Шунингдек, маҳалладаги аёлларнинг саломатлигини йўлида турли бепул тўғарақлар ташкил қилинган.

Мазлумки, мамлакатимизда ўқитувчи ва шифокорлар меҳнати юқори баҳоланиб, ойлик маошлари оширилди. Шу муносабат билан маҳаллада жойлашган 249-мактаб жамоасининг иш режасига қўшимча равишда бир қатор тадбирлар киритилди. Мактаб бўйича тўғарақларнинг мунтазам ишлашини таъминлаш борасида баъзи бир муаммолар ҳал этилди. Ўқувчилар билан пухта ишлаш масалаларида ўқитувчилар олдида катта вазифалар ва масъулият юклатилди.

Маҳалла хотин-қизлар комиссияси томонидан 34-оилавий поликлиника шифокорлари билан ҳамкорликда ётиб қолган, оғир дардга чалинганлар, ногиронларга қўшимча ёрдам кўрсатиш, дори-дармон билан ёрдам бериш, умуман маҳалла аҳолини соғломлаштириш борасида бир қатор тадбирлар белгилаб олинди.

Раъноҳон РАҲИМБЕКОВА

Марказлар фаолиятдан

## МАҚСАДИМИЗ МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИК

**ЮРТИМИЗДА КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИНГ МАЪНАН, РУҲАН СОҒЛОМ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИ УЧУН ҚАТОР ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ХУСУСАН «КАМОЛЕТ» ЁИХ ҚОШИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН «МАҲАЛЛА УМИДЛАРИ» МАРКАЗИ ҲАҚИДА ИЛИҚ ФИКРЛАРНИ БИЛДИРИШ МУМКИН.**

«Маҳалла умидлари» маркази асосан маҳалларда истиқомат қиладиган ёшларнинг бўш вақтини тўри тақсимлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортга қизиқиш уйғотиш, аср вабоси ҳисобланган ОИТС, гиёвандлик каби иллатлар таъсирига тушиб қолмаслик каби хайрли мақсадларга қаратилган. Биз «Камолет» ЁИХ Чилонзор туман бўлими «Маҳалла умидлари» маркази фаолияти билан қандайдан танишиш мақсадида марказ раҳбари Муассар Юсупова билан суҳбатда бўлдик.

«Маҳалла умидлари» маркази 2003 йилда ўз фаолиятини бошлаган бўлса утган вақт ичида ёшлар, вояга етмаганлар билан қатор фойдали юмушларни амалга оширишга улгурди, — деб сўз бошлади суҳбатдошимиз. — Хар бир ўтказилаётган тадбир, учрашув ва спорт мусобақалари ёшларда

катта қизиқиш уйғотмоқда. — Марказ фаолияти, маҳалларда олиб борилаётган ишлар ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз.

— Шунингдек айтиб ўтишни хоҳлардимки, бугун қайси бир маҳаллага бориб сўрасангиз «Маҳалла умидлари» маркази ҳақида яхши билишади. Чунки марказимиз маҳаллардаги хонадонлар, хар бир ўсмир-ёш билан мулоқотни йўлга қўйган. Чунки, мактабларда иш олиб борамиз, қатор спорт мусобақалари ташкил этиб, фаол ўқувчиларни рағбатлантириб келмоқдамиз.

Биргина ўқувчиларнинг таътил кунларида олиб борган ишларимизга назар ташласангиз ҳам фикримизнинг нақадар тўғри эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бутун ёш давомида маҳаллада истиқомат қиладиган болаларнинг таътилни мароқли, унумли, яхши кайфиятда ўтказиш-

лари учун «Ёни «Камолет» билан!» лойиҳаси доирасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Маҳаллардаги қам таъминланган оила фарзандлари учун бепул инглиз тили, компьютер, касбга йўналтирувчи, савдонлик курслари, кўма оммавий спорт ўйинлари ташкил этилди. Уларнинг хуқуқий савдонлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, вояга етмаган ёшлар ўртасида зарарли иллатларнинг олдини олиш мақсадида соҳа ходимлари, шифокорлар билан турли қизқаркли учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилди.

«Уз уйингни ўзинг асра, ўз юртингни ўзинг ҳимоя қил!» ширини остида, ўзлари яшаётган худудни озода сақлаш, ободонлаштириш юмушларига ҳисса қўйиш, она-Ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотиш мақсадида турли кўрик-танловларни ўтказилди. «Мен дуоени қандай тасаввур этаман?»,

«Оила—муқаддас Ватан», «Соғломжон—полвонжон», «Ўзбек халқи ҳеч кимга қарам бўлмади» каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Булардан ташқари юртимизда нишонланадиган хар бир байрамнинг моҳиятига бағишланган кечалар ташкил этилган. Вояга етмаган ўсмир-ёшлардан бохабар бўлиб, уларни фойдали ишларга жалб этишга интиламиз. Туманда жойлашган Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари хузурида бўлиб, қизқаркли тадбирлар ўтказамиз. Кам таъминланган оила фарзандларига имкон борица моддий ва маънавий кўмак беришга ҳаракат қилмоқдамиз.

— Хомийлар ва шифокорлар йилига ҳам қириб келдик. Айтингчи, марказ фаолиятида утган йил қандай из қолдирди?

— «Сиҳат — саломатлик йили» дастури ижроси йўлида аҳоли саломатлигини тиклаш, тиббий савдонлигини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан вояга етмаган ёшларнинг барчаси тиббий кўриқдан ўтказилиб, бетоблиги

аниқланганлари шифокорларга ётқизилди, имтиёзли дори-дармон билан таъминланди. Ёш оилаларга оила ва никоҳнинг муқаддаслиги, тинч-тотув турмуш, пиру бадавлат кексалар, шифокорларнинг маслаҳатлари ва иқтисодий муаммолар ечим борасида тушунтириш, суҳбатлар ўтказилди.

Мустиқиллик байрами, Асосий Қомусимиз қабул қилинган кун муносабати билан «Мустиқил юрт фарзандлари», «Истиқболимиз тими соли», «Хар бир фарзанда меҳр-этибор» каби қатор маззуларда тадбирлар ўтказилиб, болажонлар қалбига бир олаж қувонч улашилди. Албатта бундай тадбирларга тарбияси оғир, профилактик ҳисобда турган вояга етмаган ёшлар, шунингдек ногирон, ёрдам муҳтож болалар ҳам тақлиф этилиб, уларда ҳам соғлом турмуш тарзига қизиқиш уйғотиб, моддий ва маънавий кўмак қўриштиришга эришилмоқда.

Бир сўз билан айтганда «Маҳалла умидлари» маркази ўз фаолиятида ўсиб келаётган ёшларнинг маънавий, руҳий, жисмоний камолотига эришишни мақсад қилиб қўйган. Албатта бунда «Маънавият ва маърифат» маркази, халқ таълими, «Маҳалла» жамғармаси каби қатор жомат ташкилотлари билан ҳамкорлигимиз яхши самара бериши шубҳасиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА суҳбатлашди

Шахсий фикр

## МАЪНАВИЯТ МАСКАНИГА АЙДАНТИРАЙДИК

**ЯҚШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИ БЎЛГАНИ УЧУНИМИ, ЗЕРКИКИБ ЧОЙХОНАГА ЧИҚДИМ. МАҲАЛЛАМИЗНИНГ ҚОҚ МАРКАЗИДА ЖОЙЛАШГАН ЧОЙХОНАМИЗ ЭСА ДОИМО ОДАМЛАР БИЛАН ГАВЖУМ БЎЛАДИ.**

Негандир, дам олиш куни бўлишига қарамай одамлар кам эканлиги мени ҳайратга солди.

Чунки авваллари чойхонамиз маҳалламизнинг чинакам маънодаги маданий-маърифий маркази ҳисобланган, фаоллар бу ерда тез-тез йиғилишиб турли маззуларда давра суҳбатлари уюштиришган, китобхонлик кенчалари ўтказилганлиги ҳам ёдимда. Чойхона нафақат маҳалла маркази, балки турли хил спорт тадбирлари, ақли чарқлайдиган ўйинлар ўтказадиган маскан ҳам ҳисобланган. Келинг, гапни кўп қўймай юқоридagi воқеа баёнига ўта қолайлик.

Чойхонада юқорида эслаганим беш-олти нафар ёш-яланг йигитлар ўтиришибди, кимдир сабази тўғрапти, кимдир картошка артыпти. Кимдир дастурхонда турган арокдан бўшаган пиёлаларга қуяди. Майли, қандай дам олиш хар кимнинг шахсий иши. Каминга ҳам секин бориб сулчана чеккасига ўтирдим. Чойхонада хизмат қилиб юрган дастёр болани чақирдим.

— Келинг, хизмат? — деди дастёр бола.  
— Аччиқина қилиб памил чой дамлаб бергин,  
— илтмос қилдим.  
— Бошқа нарса буюрмайсизми? — хайрон бўлди чойхонани, — балки уфатларингиз келиб қолишар.

— Уфатларимни тинч қўйтур, бу ерга маданий хордик чикаргани чикдим, болам. Чойингдан берсанг, мазаза қилиб ичаман, китоб мутулава қиламан. Чойхонани бирпас тикилиб турди-да.  
— Чой ҳали қайнамади, қутиштингизга тўғри келади, — деди-да, ўз йўлига равона бўлди.  
Нариқорда арок ичиб уфатчилик қилаётган йи-

гитларнинг оғзиларидан чиқаётган маза-бемаза сўзлар гашимни келтирди. Шу орада бироз кайфи олиб қолган икки йигитнинг гапи келишмай, бир-бирларини ҳақорат қила кетишди. Хали дўстлар ажратиб улгурмасиданок бир-бирларининг жаъига мушт туширишга ҳам улгурдишди. Бу воқеани кузатарканман, хайрон бўлдим. Шу тоғда хаёлимга атоқли адабимиз ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романидаги чойхона воқеалари келди. Ёдингизда бўлса асар қахрамонларидан бири Шумурод ўғли Музафар билан хар кун кечкурун чойхонага чиқди. Унда маҳалладошлар хар хил маззуда мароқли суҳбат қуришади, Музафарни «герой» дея эрқалаб турли хил ширинликлар тутқизишади. Ана сизга маҳалла марказининг асал қуббаси. Шу ўринда каминга ёшлик йиллариде айнан маҳалламиз чойхонасида ўзбек шахмати ривожига катта ҳисса қўшган, тарих фанлари номзоди, шахмат бўйича спорт устаси, марҳум Мамажон Муҳиддинов иштирокида мусобақа уюштирилганини мароқ билан эслашни лозим топдим. Ушанда Мамажон ака маҳалламизнинг ўн чоғли хаваскор шахматчисига қарши бир вақтда донча сургандорлар. Ушбу севаанда иккита дуранг натижа қайд этган Мамажон Муҳиддинов саккиз учрашувни галаба билан якунлагандилар. Чойхонанинг маданият ўчоғи бўлганга яна бир мисол шуки, машъум қатарга йилларида чойхоналарда китобхонлик кенчалари ўтказилган: Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар» романининг хар бир боби устида маҳалладошлар қизгин мунозаралар уюштиришган. Ҳозир эса...

Яширмайлик, шахримиз чойхоналарининг аксарияти майхоналарга айлантирилганлиги ҳам бор гап. Нимагадир кейинги вақтларда китоб мутулаасига қизиқиш қамайиб бораётгандек. Шу боис ҳам чойхоналаримизни обод қилайлик, маданий-маънавий тадбирлар масканига айлантирайлик, шахмат, шашка бўйича турли хил мусобақалар чойхоналарда ўтказилса айни муддао бўларди. Ана шу орзуларимиз амалга ошарканми, дея умид қилган холда чойхона манзилини аниқ қўриқлашни лозим топмадик.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

**БУГУНГИ КУНДА ЮРТИМИЗДА КЕКСАЛАР, КЎМАККА МУҲТОЖ ИНСОНЛАР, НОГИРОН, ПЕНСИОНЕРЛАРГА ҲАР ТАРАФЛАМА КЎМАК БЕРИШ, КЎНГУЛЛАРИНИ КЎТАРИБ САҲОВАТ КЎРСАТИШ ЯХШИ АНЪНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАН.**

Ташаббус

## ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Яқинда Яққасарой тумани «Маҳалла» жамғармаси томонидан ўзига хос хайрли юмуш амалга оширилди. Яъни, тумандаги 18 та маҳаллада истиқомат қилувчи бир гуруҳ отахонлар Бўстонлик туманидаги «Чорёк» оромгоҳида икки кун дам олиб қайтдилар.

— Уруш ва меҳнат фахрийлари, кекса авлоднинг кўнлини кўтариш, яхши дам олишларини таъминлаш мақсадида қатор тадбирларни ўтказиб келмоқдамиз, — дейди биз билан суҳбатда туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Рўзи Турсуналиев. — Хусусан кириб келган Хомийлар ва шифокорлар йилида ҳам хайрли ишларни давом эттириб, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, соғлигини муҳофаза қилиш йўлида режалар дастурини белгилаб олди. Ҳимматли, соҳаватли тадбиркор хомийларимиз ёрдами билан туманимиздаги кекса ўшнинг оғирини енгил қилиб, саломатликларини тиклаш, соғлом турмуш тарзини танлашларига қўмақлашамиз.

— Табиат қўйинда, оппоқ қорлар билан қопланган тоғ бағрида дам олишнинг гашти бошқача бўлар экан, — дейди «Туркис-тон» маҳалласи оқсоқоли Маъруф Адхамов. — Отахонлар тоза ҳаво, шовқинсиз, мумтоз наволар янграб турган оромгоҳда мазза қилиб суҳбат қурдилар, ўтган умр, машаққатли меҳнатнинг роҳати, фарзанду набибалар ардоғида, давлатимиз эътиборида эчкиликларидан шукроналар келтириб, элу-нуртимиз тинчлиги, хонадонлар ободлигини сўраб дуога қўл очдилар.

Самандар ДОЛИЕВ

Иқтисодиёт

## ЯНГИ ТУРЛАРИ ЧИҚАРИЛМОҚДА

**«ИНТЕР-СОК» РОССИЯ—АНГЛИЯ—ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШАМ КОРХОНАСИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИ ЭНДИГИНА БИР ЙИЛ БЎЛСАДА, УШБУ ЖАМОА ТАДБИРКОРЛАРИ ТОМОНИДАН ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ХОРИЖ ЛИНИЯЛАРИ АСОСИДА МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ТАБИИЙ ШАРБАТЛАР ҲАМ ИЧКИ, ҲАМ ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИ БОЗОРИДА ХАРИДОРЛАРИНИ ТОПДИ.**

Корхонада тайёрланаётган 9 хилдаги жаҳон андозалари даражасида қадоқланаётган шарбатлар турини жорий йилда бир нечтага кўпайтириш кўзда тутилган. Шунингдек, «Фруктовый сад» Россия маркаси остида тайёрланаётган шарбатлар қаторига ўзбек маркаси билан ишлаб чиқариладиган анор, узум, лимон ва аралашмали маҳсулотларнинг ҳам қўшилиши кўзда тутилган. Бунинг учун эса кўпроқ маҳаллий хом ашёдан, республикамиз қўшидан баҳра олиб гарк пишган дармондорили мевалардан фойдаланиш режаланган.

— Энг аввало эришилаётган муваффақиятларимиз боиси, харидорларимиз сафининг ортиб бориши сифатга қаратилган эътиборда эканлигини ҳис этамиз, — дейди корхона раҳбари Юрий Нуритдинов. — Сақланиш муддати 1 йилни ташкил этган шарбатларимиз 1 литрлик ҳамда 200 граммлик пакетларга қадоқланмоқда. Харидор талаб ва эҳтиёжнинг ҳисобга олган холда пойтахтимизнинг хар бир туманида фирма дўконларимизни очиб, аҳолига бирмунча қулай нарҳларда маҳсулотларимизни етказиб бериш ниятидадир.

Албатта, корхонада тайёрланаётган шарбатларнинг бир қисми буюртма асосида Тожикистон, Қозоғистон ва Афғонистон давлатларига ҳам экспорт қилинади. Асосий мақсад эса бу билан республикамиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўйиш ҳамда четдан келтириладиган товарлар ўрнини босадиган, уларданда сифатли шарбатларни аҳоли истеъмолига чиқаришдир.

## СИФАТИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ҲАР БИР МАҲСУЛОТ СИФАТИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР УНИНГ ЎЗ ҲАРИДОРИНИ ТОПИШИДА, БОЗОРИ ЧАҚҚОН БЎЛИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ШУНИНГ БАРОБАРИДА АНА ШУНДАЙ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАГАН КОРХОНАЛАРНИНГ НУФУЗИ ҲАМ ОРТАДИ, ИҚТИСОДИЁТДАГИ ҲИССАСИ ҲАМ САЛМОҚЛИ БЎЛАДИ.**

Пойтахтимиздаги «Фотон» акциядорлик жамиятида ҳам кейинги йилларда маҳсулотнинг рақобатбардош турларини ишлаб чиқариш ҳамда сифатини янада ошириш йўлида изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу изланишлар самараси эса эришилаётган муваффақиятларда акс этмоқда.

Янги йилни корхона аҳли яхши режалар асосида бошлашди. Ана шу режалардан бири йил охиригача харидорларга 7 мингта «Фотон» маркази хорижникидан асло қолмайдиган сифатли, лекан нисбатан арзон телевизорларни етказиб беришдир. Шунингдек, корхона чехлариди тайёрланаётган рангли телевизорлар, назорат касса аппаратлари, турли транзисторлар, фото электрон станциялар, электр энергияси қувватини тежовчи электр лампалар ва бошқа товарларни буюртма асосида истеъмолчиларга тақдим этиш кўзда тутилган.

Шуниси эътиборлики, корхона маҳсулотларига қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Шу асосда тадбиркорлар Россия ҳамда Украина давлатларига ўз маҳсулотларини экспорт қилишмоқда. Экспорт ҳажминини ҳам ошириш келгуси режалар сирасидандир.

Шарофат БАХРОМОВА

Санъат

## РАНГ-БАРАНГ СПЕКТАКЛАР

**АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИ ЎЗИНИНГ КЎПЛАБ МУХЛИСЛАРИГА ЭГА. ИЖОДИЙ ЖАМОА ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛАЁТГАН СПЕКТАКЛАР МАВЗУ ДОИРАСИ БИЛАН ҲАМ ЭЪТИБОРНИ ЎЗИГА ТОРТМОҚДА.**

Театр ўзининг навбатдаги ижодий мавсуми давомида ҳам томошабинларни қатор сахна асарлари билан хушнуд этади. Бу ерда постановка қилинган «Эски муҳаббат» спектакли ҳам яхши кутиб олинди.

Шу кунларда актёрлар навбатдаги янги спектаклни сахналаштириш устида иш олиб боришмоқда. Давр руҳига мос бўлган бу постановкадан сўнг яна бир неча асар сахна юзини кўради.

## ЎЗИГА ХОС ТАДҚИНДА

**РЕСПУБЛИКА «ТУРОН» ЁШЛАР ТЕАТР-СТУДИЯСИ РЕПЕРТУАРИ РАНГ-БАРАНГ МАВЗУДАГИ АСАРЛАР БИЛАН БОЙИБ БОРМОҚДА. ЯҚИНДА САХНА ЮЗИНИ КЎРГАН «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ПОСТАНОВКА ҲАМ ЯХШИ КУТИБ ОЛИНДИ.**

Терроризм, диний экстремизм, гиёвандлик каби иллатларни фош этувчи бу асар воқеалари публицистик руҳда ёритиб берилди. Унинг сахнавий талқини ҳам ўзига хос режиссурада акс этди.

Истеъдодли санъаткор Равайн Ёриев томонидан сахналаштирилган бу спектаклда театр-студиянинг қатор таниқли актёрлари қатнашдилар.

## САРГУЗАШТ-ЭРТАК ТОМОША

**ҲАЖВЧИ ЁЗУВЧИ МУХТОР ХУДОЙҚУЛОВ ДРАМАТИК АСАР ЯРАТИШГА ҚЎЛ УРИБ, ИЖОДИЙ САЛОУЙАТИНИ НАМОЁН ЭТДИ. «СИНДБОД—ДЕНГИЗ САЙҲИ» ДЕБ НОМЛАНГАН БУ АСАР РЕСПУБЛИКА ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ РЕПЕРТУАРИДАН ЎРИН ОЛДИ.**

Санъаткор Марям Ашурова билан ҳамкорликда ёзилган мазкур пьеса кичик сахнада ўзига хос бадиий ифодасини топди.

Мазкур саргузашт-эртак спектакль театрнинг бадиий раҳбари Марям Ашурованинг навбатдаги постановкаси бўлди. Янги сахна асарига яратилган мусика ҳам асар воқеаларини янада тушунарли бўлишига хизмат қилди.

Ақбар АЛИЕВ

# БУГУН — БУЮК МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУҲ ТОПГАН КҮН

## «ХИММАТ АХЛИҒАДУР САХОВАТ ИХТИСОСИ...»

**АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ ФАЛСАФИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИДА ИНСОН КАМОЛОТИ МАСАЛАСИ АСОСИЙ ҲАМ ҲАММАТ ҲАММАТИ. УЛУГ МУТАФАККИР ИНСОННИНГ КОМИЛ БЎЛИШНИ ОРЗУ ҚИЛГАН. БУНГА ЭСА РУҲ, АҚЛ ВА АХЛОҚНИ ТАКОМИЛГА ЕТКАЗИШ АСОСИДА ЭРИШИШ МУМКИН.**

Ўз-ўзидан рухий ва ақлий камолот ахлоқий етуқликни ҳам тақозо этади. Қолаверса, ахлоқ руҳ ва ақл камолотининг намоён бўлиш майдони, ойнаси. Етуқ ахлоқсиз инсон камолотининг тугал бўлиши мумкин эмас. Инсон ахлоқини тақомилга етиштирувчи омиллардан бири — химмат, саховатдир.

«Саховат инсоният боғининг бовар шаридур (меваги дарахти), балки ул шарнининг муфид самаридур (фойдали хосили, меваси)», — дейди Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асариди. Бинобарин, улуг мутафаккир наздида инсонликнинг асоси — химмат. Унингча «Химматсиз киши эр сониди эмас, руҳсиз бадани киши тирик демас». Чунки «Химмат ахлиғадуру саховат ихтисоси (саҳийлик хосиди) ва бу икки шариф сифат — валоят хоси. Саховат одамиға бадандур ва химмат анга руҳ ва химмат ахлидин оламида юз минг футуҳ». Яъни химмат ахли саховатга қодир, химмат ва саховат эса валийликнинг белгиларидандир. Саховат инсон учун бадан каби бўлса, химмат шу баданнинг руҳи ва химмат туфайли инсон юксак маънавий даражаларга эришади. Дарҳақиқат, химмат ҳолини кашф этиш валоят чўққиларига етишишнинг нишонидир. Шу сабабли ҳам Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да химматни валийликнинг шартларидан бири сифатида кўрсатиб ўтади.

Хўш, химмат инсонда қандай ахлоқий фазилатларни тарбиялайди? Аввало, «Баъзи мавжуд» — ўзидаги нарсани бошқалар билан баҳам кўра олиш. Қолаверса, хасислик, бахиллик сингари иллатларни инсон табиатидан қувадиган куч ҳам химмат ва саховатдир. «Саҳий бултурдир — иши хирмон, балки маҳзан бермак, баҳил мўрдур (чумоли) — даъби хўша (одати бошқоқ), балки дона термак». Инсон табиатини бахилликдан қопламай туриб камолотга эриштириб бўлмайди: «Соҳибни химмат муфлислик била паст бўлмас, химматсиз ганж топса, бийик-

ларга ҳамдаст бўлмас». Химмат Навоийда нафақат инсоний ҳислат, фазилат, балки ижтимоий аҳамиятга молик фалсафий-ахлоқий тоифа даражасига кўтарилган. Чунки Химмат инсоннинг жамият билан алоқасини таъминлайдиган воситалардан биридир. Жамият бўлиб яшаш инсонларнинг бир-бирлари учун таянч бўлишларини тақозо этади. Навоий наздида олийхиммат — ночор ва муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, зарур пайтда керакли ёрдамни кўрсатишдир. Улуг шоир «Хайрат ул-аброр»да ёзади:

**Буки санга тенгри ато айлади,  
Кисм карам бирла сахо айлади...**

**Жуду саховат чоғи буҳл этмагил,  
Шукр замони доғи буҳл этмагил.**

**Бухл эрур борча сифатнас хасис,  
Лек сахо жавҳари асру нафис.**

Навоий саховат кўрсатишнинг керак бўлган инсонлар тоифасига, аввало муҳтож жамиятнинг кам таъминланган аҳоли қатламлари, камбағал-ночорлар, талабаларни киритган, ўшаларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатишнинг лозим деб кўрсатган. Масалан, у истеъдодли толиби илмларни излаб топиш ва улларга илм чўққиларини эгаллашга кўмаклашиш, камбағалларга кийим ва таом улашиш химмат йўлини туганлар учун фарзи айнандир дейди: «Хунарларни топмоқ — едурмақдур ва айларни ёпмоқ кий-дурмақдур. Маҳаллида берган эски тўн — саховат ва бемаҳал берган зарбофт қорқаб — шақоват. Десаңки, таоминг зоёё бўлмағай — едур ва тиласаңки, либосинг эскирмағай — кийдур». Бобурнинг «ахли фазл ва ахли хунарга алишерекча мураббий ва муқаввий (қувват берувчи, мададкор) маълум эмаским, харгиз пайдо бўлмиш бўлғай», — деган сўзлари ҳам бежиз эмас.

Химмат, саховат инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, шафқат ва раҳмдилликни кучайтиради. Бир-бирлари ҳолидан ха-

бар олиб, зарур пайтда ёрдам кўрсатиш эса ижтимоий жиқлик, яқдилликни келтириб чиқаради.

Бироқ химматни исрофдан, саховатни манманликдан фарқлаш керак. Кўр-кўрона, кераксиз жойда кўрсатилган химмат — исроф, кўз-кўз қилиб, инсон шаънини топтайдиган саховат — манманлик. Навоий бу хусусда ёзади: «Химмат ахлиға агарчи бийик кавқабдур, аммо саховатга неча мартабадур. Исроф сахо эмас ва итлоф (йўқ қилиш, барбод қилиш)ни маъно ахли сахо демас. Хак молин куйдурганни девона дерлар ва ёруғ кунда шамъи кофурий ёққонни ақлдин бегона дерлар. Мубоҳот (фахрланиш, мақтанш) учун бермак — худнамолик ва анинг била ўзин саҳий демек — беҳаёлик, Улки эл кўрмағунча бермас — лаимдур (паст, нокас), саҳий эмас. Тилаб бергани ҳам саҳодин ийроқ бил, ибром (қистаб, қаттиқ талаб қилиб олиш) била бергандин бермагани яхшироқ бил. Бирта ўтмак (нон)ни икки бўлуб, ярмин бир очға бергани саҳий де, ўзи емай барин муҳтожга бергани ахий де». Демак, эҳтиёж бўлмаган жойда химмат кўрсатиш ёруғ кунда шам ёқиш билан баробар, намойишкўрона, асоси пуч обрў ортириш учун қилинган саховат — сохтакорлик. Образли қилиб айтганда, Навоий химмат дарёсининг қайси ўзандан оқиши ва қай манзилларга ҳаёт ато этиши кераклигини ҳам аниқ кўрсатиб берган.

Саховат, химмат кўрсатишдан олдин, дейди Навоий, ким шунга ҳақиқатда муҳтож ва лойик эканлигини аниқлаб олиш керак:

**Эйки санга тенгри насиб этти жоҳ,  
Берди карам қилмоқ учун дастгоҳ.**

**Билки сахо қилғали кимдур муҳик,  
Сийм берурга ким эрур мустаҳик.**

**Сочмоқ овуч бирла гуҳар от учун,  
Наҳд этак бирла мубоҳот учун.**

**Ақл ҳисобидин эрур бас ийроқ,  
Бухл бу жуаунгдин эрур яхшироқ.**

Кераксиз жойга химмат кўрсатиш беҳуда исрофгарчилик бўлса, зарарли жойга саховат қилиш ижтимоий иллатларнинг урчишига олиб келади. Бу худди заҳарли ўсимликнинг остига сув қуйиб уни янатиш ёки илонни аждаҳога айлантиришдай бир гап. Бинобарин, химмат ва саховат эгаси учун оғоҳлик бош талабдир.

Навоий химмат, саховат тўғрисидаги фикрларини карам, муруват борасида билдирган хулосаларида ҳам давом, этиради, ривожлантиради.



Навоий учун химмат нафақат ижодий мавзу, балки ҳаётий масала ҳам эди. Аввало, унинг ўзи умр буйи химмат, саховат, карам, муруват гоҳларига содиқ қолган. Буни унинг «Вақфия» ва бошқа асарларидаги ўз эътирофлари, шунингдек, замондошларининг қайларидан билиш мумкин. Жумладан, Хондамир «Мақорим ул-ахлоқ»да унинг томонидан халқ манфаатини кўзлаб барпо этилган ўнлаб кўприк, ҳовуз, ариқ ва анҳорлар, шифона, работ, мактаб ва мадрасалар ҳақида маълумот беради. Аниқланишича, Навоий ҳомийлиги остида бунёд этилган ёки қайта таъмирланган бино ва иншоотларнинг умумий сони тўрт юзга яқин. Бундан ташқари, «Вақфия»да у ўз мол-мулкнинг қайси соҳа муассасаларига мерос қилиб қолдираётганини ва уллардан тушадиган даромад қилмалар қанча миқдордан тақсимланиши кераклиги тўғрисида аниқ кўрсатмалар берган.

Алишер Навоийнинг ҳомийлик фаолияти, саховат, муруват, карам борасидаги қарашлари бугунги кунда ҳам ибрат мактабидир.

**Нодир РАМАЗОНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
фанлар академияси Алишер  
Навоий номидаги тил ва  
адабиёт институти кичик илмий  
ҳодими**

## Таълим

### КАФЕДРАЛАР ҲАМКОРЛИГИДА

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТИЛЛАР МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛАЁТГАН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ ЯНГИЧА ТАЛАБЛАР АСОСИДА БОСМАГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА. УШБУ МАРКАЗ ҲУЗУРИДАГИ РУС ТИЛИ КАФЕДРАСИДА ҲАМ ШУ ЙЎНАЛИШДА САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.**

Миллий мактабларда рус тилини ўқитишни янада яхшилаш билан боғлиқ тадбирлар ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда.

Кафедрада педагоглари тайёрлаш мақсадида янги режалар белгилаб олинди.

Университет буйича ишлаб чиқилган таълимий дастур асосида услубий қўлланмалар яратиш ҳам кўзда тутилди.

Бу борада олий ўқув юртининг славян филологияси кафедраси ҳам саъй-ҳаракат кўрсатиб, янги тадқиқотларга қўл урди.

### ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

**БУГУНГИ КУНДА ҲАЁТИМИЗНИНГ БАРЧА ЖАБҲАЛАРИ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ИЛМИЙ ИШЛАНМАЛАР ЯРАТИШ ДОЛЗАР МАСАЛАЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНГАН. БУ БОРАДА ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА ҚАТОР ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА.**

Интернет тизимини кенг жорий этиш йўналишини таъминлашга қаратилган илмий изланишлар ҳам ўз ижобий самарасини бера бошлади. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги олий ўқув юрти фаолиятининг шу йўналишларини тараққий эттириш мақсадида тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Агентликнинг навбатдаги ҳайъат йиғилишида университетда ёшларни кадимий бой тарихимизни ўрганиш, эзгу қадриятларимиз, ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

### МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

**ЎЗБЕКИСТОН ФАЛСАФА ЖАМИАТИ НУФУЗЛИ МУАССАСА СИФАТИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. БУ ЕРДА ФАЛСАФА ФАНИ РИВОЖИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАТОР ИЛМИЙ МУАММОЛАР ҲАМ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.**

Айни вақтда жамият олий ўқув юртлири билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Буни Ўзбекистон Миллий университети билан алоқа мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Олий ўқув юртининг фалсафа факультети олимлари билан бирга таълим этилаётган турли тадбирлар ҳам қўлланган натижасини бермоқда.

«Фалсафа ва ҳаёт» тўғрисидаги машғулотлари ҳам талаба ёшларда қизиқиш уйғотмоқда. «Миллий истиқлол гоёси», «Фалсафа ва унинг тарихи» деган йўналишларда уюштирилаётган сўхбатлар талабалар билиминини бойитишда илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

### МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМГА КЕНГ ЙЎЛ

**РЕСПУБЛИКАМИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ БОРАСИДА ҲАМ МУҲИМ ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. «ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ» ДОИРАСИДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН БУНДАЙ ЖАРАЁН ШАҲРИМИЗ МАКТАБЛАРИДА ҲАМ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш институти томонидан режалаштирилган ишлар ҳам ўз ижобий натижасини бераётир.

Масофавий малака оширишни йўлга қўйиш мақсадида институт физика, кимё, биология ва информатика фанларидан лаборатория мебеллари, физика, кимё лабораториялари эса замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан тўла таъминланди.

Информатика хоналари компьютер синфларига эга бўлди.

### ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАСИ ЯРАТИЛАДИ

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. ХОРИЖДАГИ ҚАТОР УНИВЕРСИТЕТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҲАМ ЯХШИ НАТИЖАЛАР БЕРМОҚДА.**

Олий ўқув юрти яна бир ҳамкор университетга эга бўлди. Туркиядаги Мармар университети билан яқин илмий алоқа йўлга қўйилди.

Шу муносабат билан имзоланган ҳужжатда ҳар икки олий ўқув юрти ўртасида таълимий алоқалар доирасида ўқитувчи, талабалар айрибош қилишга киришилди.

Ўзаро келишувга биноан дарслик, ўқув қўлланмалари яратиш ҳам кўзда тутилди.

### ИНСТИТУТДА «ВЕБ» САЙТ

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ПЕДАГОГИК ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИДА МАСОФАДАН ТУРИБ ЎҚИТИШ РЕСУРС МАРКАЗИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА.**

Бу эса масофавий малака оширишнинг янги усуллари нишонидир.

Институтда «Масофадан ўқитиш» буйича «Веб» сайти яратилиши ҳам айни мuddо бўлди. Интернет алоқасининг бу тармоғи орқали институтда масофадан туриб ўқитиш буйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мумкин.

Ўқув дастурлари асосида янги модуллар яратиш, улар орқали ўқитувчилар малакасини ошириш тадбирлари қўрилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири**

### НАВОЙИ НАЗМИ ДИЛДА

Улуғ бобонг Навоийнинг ётар жойи Ҳирот бўлғай,  
Ва лекин билмасанг ул зотни сен, оғир уёт бўлғай.  
Сенга муҳтож эмас ҳазрат,  
Улуғ мақсад, улуғ меҳнат  
Билан дил кўзларин-очким,  
Ҳаётинг ҳам ҳаёт бўлғай.  
Завол эрмас, камол келтир  
Она юртингга ҳар соат,  
У сенга ҳам она, ҳам юрт,  
Сенга икки қанот бўлғай.  
Нечун ёққиланиб кезгай  
Бу тўфонзода тойчоқлар?  
Улар фарзандларингга  
Бойчибор бўлғай,  
Ҳирот бўлғай.

Бу тупроқ узра инсон бирла  
Иймон — икки мансаб бор.  
Агар жузур ва ё қарлуқ,  
Ўғиз ё қўнғирот бўлғай.  
Кетар жисминг муваққатдир,  
Ватан — мангу муҳаббатдир,  
Агар қимда муҳаббат  
Йўқ, жаҳонда номурод бўлғай.

Келибсан гар сурур келтир,  
Ҳаваз бирлан ғурур келтир,  
Ки сен кетсанг ҳам ортиндан  
Эл ичра ному ёд бўлғай.

Навоий назми — иймодир,  
Агар алдар эсанг эли,  
Унинг бир сатри охир таъби  
Назмингга сирот бўлғай.

Менинг бу норавон шеърим  
Ёзилди бир ният билан,  
Ёзилсин шеър ҳам токи  
У шеърдан бир мурад бўлғай.  
Сирожиддин САЙИД

### Алишер НАВОЙИ ҲАЗАЛЛАР

Эй насими субҳ, аҳолим дилоромимга айт,  
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айт.  
Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам-бадам,  
Баъзи айш ичра лабалаб бодашомимга айт.  
Ком талху бода захру ашк рангин бўлганин,  
Лаъли ширин, лафзи рангин, шўҳи худқомимга айт.  
Шоми ҳижрон рўзгоринг тийра нечун қилди деб,  
Сўрмағил менин бу сўзни, субҳи йўқ шомимга айт.

**БУЮК МУТАФАККИР БОБОМИЗ, ҲАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ, ҲАЗРАТ АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 565 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБИТИ БИЛАН ШАҲРИМИЗНИНГ БАРЧА ГЎШАЛАРИДА ТУРЛИ ХИЛ ТАДБИРЛАР, АДАБИЙ-БАДИИЙ ШЕЪРХОНЛИК КЕЧАЛАРИ ВА АНЖУМАНЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА.**

### КУТУБХОНАДА БАДИИЙ КЕЧА

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонасида «Ҳазал мулкнинг султони — бизнинг бобомиз» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Кечани мазкур кутубхона директори Фотима Бухарова кириш сўзи билан очиб, шоирнинг нафақат миллимиз, балки жаҳон адабиётининг йирик намоёндаси бўлиш билан бирга, юрт ободли-

Ул парий ҳажрида нагу номким, тарк айладим,  
Кўнгул отиғ ҳажр водийсида бадномимга айт.  
Эй кароматсўй, ишим оғзи худ исён эди,  
Шамъи раҳмат партави етқайму анжомимга, айт.  
Йўқ Навоий бедил орами ғам ичра, эй рафик,  
Ҳолини шўҳорким, кўрсанг дилоромимга айт.  
\*\*\*  
Войким, душмандек ўлди аҳдидин бегона дўст,  
Душманам ўлтурса, аҳд эттимки, тутмай ёна дўст.  
Соғаримда захру сахро узра пўям шиддатин  
Билмас улким, бор анга ҳамқосаву ҳамқона дўст.

Жон қушни ўртан севгаҳ ёрнинг ўтлуғ юзин,  
Найлагай қуймай, чу бўлаг шамъ ила парвона дўст.  
Водийи ҳижронда ағриға ёр ўлдур, не тонг  
Гар бўлур гули бийбоний била девона дўст.  
Дўстлуқ жонондин истармен, манга олам эли  
Душманни жон бўлса бўлсин, бор эса жонона дўст.  
Аҳли дин паймоншиқастдур, қилса бўлмас дўстлуқ,  
Бас манга муғ дайрда улким, тутар паймона, дўст.  
Зулфига тушса Навоий ҳоли шавқидин не тонг,  
Домдин йўқ чораси ҳар қушиқ, бўлғай донадўст.



мал билган, қатор дурдона достонлар ва гўзал ғазаллар ёзиб тарих саҳифаларида ўчмас из қолдирган адибнинг ҳаёти ва ижоди, ўлмас асарлари ҳақида йиғилганларга батафсил сўзлаб берилди. Шаҳримиздаги 64-мактаб ўқувчилари Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларидан сахна кўринишларини ижро этган бўлсалар, Ҳамза Ҳакимзода Нирезий номидаги мусиқа коллежи талабалари ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари, дилбар рақслари билан кечага фойз киритди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА  
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.  
Шавкат Ақромов  
олган сурат**

### РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИДА ЮРТИМИЗДАГИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари, услубчилар, илгор мактабларнинг раҳбарлари, илгор педагоглр иштирок этиди. Анжуманда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа ҳужжатларда ихтисослаштирилган мактабларда таълим жараёнини

### Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури — ҳаётга!

### ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ : АМАЛИЁТ ВА ТАЖРИБА

ташқил этиш, ўқитиш сифати ва самардорлигини янада ошириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бу борадаги тажрибани кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилган таъкидланди. Бу борада Тошкент шаҳри, Бўхоро, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ибратли ишлар олиб борилаётгани кайд этилди. Мазкур мактабларнинг ўқувчилари фанлар буйича нафақат мамлакатимиз, бал-

ки халқаро миқёсда ўтказилаётган олимпиадаларда фаол қатнашмоқда. Физика-математика буйича ташқил этилган халқаро беллашуларда ҳамкорларимиз ўн уч марта зафар қозонган бўлса, шу муваффақиятларнинг ўн биттисини Қорақўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчилари қўлга киритгани эътиборга молиқдир. Бугунги кунда юртимизда фанлар чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилаётган 402 та ихтисослаштирил-

ган мактаб ва мактаб-интернат, 2725 та муайян синфлари ихтисослаштирилган мактаб фаолият кўрсатмоқда. Айни вақтда умумий ўрта таълим муассасаларидан иқтидорли болаларни танлаш, уларнинг ноёб қобилиятини ривожлантириш чора-тадбирларини белгилаш, ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини таҳлил этиш орқали бундай таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, ўқув-тарбия жараёнини янада тақомиллаштириш мумкин аҳамиятга эга.

Шу мақсадда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Ихтисослаштирилган таълим муассасалари директорлари кенгаши ташқил этилди. Кенгаш бу борада муайян тажриба тўплаган мактаблар фаолиятини ўрганиб, мазкур билим даргоҳларинда тахсил олаётган ўқувчиларнинг билим ва кўникмаси даражасини аниқлайди.

Айни пайтда ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини чуқур таҳлил этиш ва янада ривожлантириш, педагогик жамоага амалий-услубий ёрдам кўрсатиш каби масалалар ечими билан ҳам шуғулланади. Анжуманда кенгаш фаолиятига доир тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири**



### МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Бу муддатни ганимат бил, бу фурсатда вафолар қил,  
 Бу иззат бирла бўл кўп йил халойиқнинг севар жони.  
**Сайфи САРОЙИ**  
 Яхшилик яхши ном келтиради, саховат эса кишини бахтиёр қилади.  
**Муҳаммад ХУСАЙН**  
 Ёмон отли киши ўлик билан тенг,  
 Яхши ўлса ҳамки тирик эл аро.  
 Бошга тупроқ сочиб кексинлар наво!  
**Муҳаммад ЖАБАЛУРДИЙ**  
 Хулқи хушни пеш қил, халқ ичра беозор бўл.  
**Толиб ТОЛИБИЙ**  
 Боқмас жаҳон совуқ сўз,  
 Шилқим, юзсиз бахилга,  
 Ёқимли бўл хушхулқ бўл,  
 Қолсин номинг кўп йилга.  
**Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ**  
 Нафс душмандурур яқин билгил,  
 Дўстум бу сўзимни чин билгил.  
**БОБУР**  
 Инсон ҳар доим қувнок, хушчақчақ бўлиши ва бахтиёр шашмоғи лозим.

**Абу Наср ФОРОБИЙ**  
 Мақсад на эди жаҳона келдинг,  
 Кайфиятини баён этиб кет.  
**НОДИРА**  
 Ганимат тутмади гофил, чу ўтқарди ҳаётини,  
 Вале қилмадики жонига бир зарра нажотини.  
 Ки йингди бу жаҳоннинг мунча асбоб-олотини,  
 Бу молдин зарра хайр айлаб, чу бермади  
 закотини,  
**САЙЁДИЙ**  
 Сайёдийки, бу ишларни суви йўқ анхор кўрдим.  
**Яша сен барча эл топар роҳат,  
 Иззат авжида нақўном яша.**  
**Сидқий ХОНДОЙЛИҚИЙ**  
 Эл ичра ишла, эл бирла тирик бўлгил амалда,  
 Ки, танҳо ном чиқармас яхшиликда, дедилар  
 устоз.  
**Дилшоди БАРНО**  
 Яхши авсоф била қил ушбу жаҳон ичра сулуқ,  
 То санинг авсофинг ўлғай олам ичра дoston.  
**ПОШШОХЎЖА**  
 Қолмади хурмат аҳли оламда,  
 Оламу олам аҳлидин юв илик.  
**БОБУР**  
 Дехон ўгли, соғ бўл, мудом яша,  
 Шодлик билан субху шом яша.  
**Сидқий ХОНДОЙЛИҚИЙ**  
 Оқил улдурики билиб умр ила давлат қадрини,  
 Ҳақ ризосини тилабон хайр ила эҳсон айлар.  
**РОҚИМ**  
 Хуш улким ана жисми бўлғоч ниҳон,  
 Ки андин қолур даҳр аро бир нишон.  
**ХИРОМИЙ**  
 Кимки кўзи оҳиз одамни қирқ қадам етаклаган бўлса,  
 унинг жаннатга кириши муқаррардир.  
**ҲАДИС**  
 Гул тилаган хор жафосини чекар,  
 Кимки асал олса, ариси тегар.  
**ДУРБЕК**  
 Енгил зердаслар гамин зинҳор,  
 Санга ҳам забардаст эрур рўзгор.  
**ОРАЗИЙ**  
 Юз хайфки зоеъ ўтибдур умри азиз,  
 Афсуски ботил борадур умри азиз.  
**БОБУР**  
 Сенсиз манга керакмас рубъи маскун,  
 Гарчи қарин эса ҳар бир умри жовидона.  
**БАЁНИЙ**  
 Ишинг ўнган келиб зафар бўлса ёр,  
 Узр сўровчилар узрин қабул қил!  
 Гуноҳкор ўз феълини қурбони бўлар,  
 Афзу хиди тегса тирилади, бил!  
**Муҳаммад ХУСАЙН**  
**ОДОБ, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ, ИСТЕЪДОД ФОЙДАЛАРИ  
 ХАМДА БЕОДОБЛИКДАН ЕТАДИГАН ЗАРАР ҲАҚИДА**  
 Одоб шундай тожи — поку бегубор,  
 Бошингга қўйгину қайга борсанг бор!  
**Бархурдор ибн МАХМУД**  
 Оллоҳ тақабурларни севмайди.  
**ҲАДИС**  
 Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади  
 ва у бу барокатдин умрбод баҳраманд бўлади.  
**НАВОИЙ**  
 Одоб шундай узукки, агар у ҳар кимсинг тасарруф  
 бармоғига мувофиқ келса, унинг улуғлик оти ҳамма маъ-  
 рақаларда жавлон қилади.  
**Одоб дебочадур инсон учун иззат китобига,  
 Бўлар, ҳар ким одобсиздур, нишон тири**  
 маломатга.  
**Бархурдор ибн МАХМУД**  
 Айтдилар:  
 — Фазилат наслу насаб билан эмас, балки одоб билан  
 топилади.  
**Муҳаммад ЗЕҲНИЙ**  
**Бўлмас адабсиз кишилар аржманд,  
 Паст этар ул хайлни чархи баланд.**  
**НАВОИЙ**  
 Одоб аҳли билан ҳамсуҳбат бўлиш — гуллар хидини  
 уфурётган тонг насимидан ҳам ширин.  
**«ОТАЛАР СЎЗИ»**  
 Кишида одоб бўлса, илм ҳам бўлиши лозим. Одоб ақл-  
 га боғлиқ нарса. Ақл устига одоб ҳам қўшилса нур устига  
 аъло нур бўлади. Улуғлик ақлу одоб билан вужудга кела-  
 ди. Ақлнинг қадри одоб билан, бойлик қадри саховат  
 билан, қувват қадри баҳодирлик билан ошади?  
**«ФАВОҚИХ АЛ-ЖУЛАСО»**  
 Адаб ирфон илми ичрадур шамъ.  
**Анбар ОТИН**  
**Маҳмуд ХАСАНИЙ,  
 Ҳамиджон ХОМИДИЙ**  
 тайёрлашган

«Радиодеталлар» дўкони ҳар қандай радиодеталлар,  
 компьютерлар, жамловчи электрон, аудио ва видео ўлчов  
 асбобларини сотади ва харид қилади.  
**Телефон: 68-93-93**

### Санъат

## ТЕНОРЛАР ЁҒДУСИ

**МУСИҚА САНЪАТИ ОЛАМИДА ЯНГИ-  
 ЯНГИ ИҚТИДОРЛАР КАШФ  
 ҚИЛИНМОҚДАКИ, УЛАРНИНГ ШИРАЛИ  
 ОВОЗИ, ДИЛГА ОРОМ БАҒИШЛОВЧИ  
 МУСИҚАЛАРИ ДУНЁ БЎЙЛАБ  
 ЖАРАНГЛАМОҚДА. ҲУКУМАТИМИЗ  
 ИСТЕЪДОДЛАРНИ ҲАМ МОДДИЙ, ҲАМ  
 МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН ҚўЛЛАБ-  
 ҚУВВАТЛАБ КЕЛМОҚДА. БУ ЭСА  
 УЛАРНИНГ КЕЛГУСИ ПАРВОЗИГА  
 НУРАФШОН ЙЎЛ, РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ  
 ОСТАНА ҲИСОБЛАНАДИ.**

Яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
 Давлат академик Катта театрида «Тенорлар ёғдуси»  
 деб номланган катта концерт бўлиб ўтди.  
 Кечада Татаристонда хизмат кўрсатган артист

Нурланбек Бекмухамедов, Қозоғистонда хизмат  
 кўрсатган артист Мурод Чалабаев, Қорақалпоғис-  
 тон халқ артисти Кенгесбай Сержанов, Ўзбекис-  
 тонда хизмат кўрсатган артист Сайфиддин Рўзи-  
 кулов ва Нормўмин Султонов каби сеҳрли овоз  
 соҳиблари «Евгений Онегин», «Майсаранинг иши»,  
 «Севги шароби», «Вертер», «Отелло», «Карнавал  
 вальси», «Менинг кўёшим» спектаклларида опе-  
 ралар ижро этдилар.

Тенорлар ижросидаги концертни Ўзбекистонда  
 хизмат кўрсатган маданият ходими, режиссёр Ҳай-  
 дарали Қосимов сахналаштирди. Концерт дирижёр-  
 лари Фазлиддин Ёқубжонов ва Аида Абдуллаева.

Тенорлар ижросида янграган қўшиқлар йиғил-  
 ганлар қалбига хушнудлик бахш этди.

**Гулчехра САТТОР қизи  
 СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.  
 Наталья Семёнова олган сурат**



**ҲОЗИРГИ КҮН ҲАР БИР ИНСОН, ЖУМЛАДАН,  
 ЎҚУВЧИЛАРДАН ҲАМ ХУШЁРЛИК ВА ОҒОҲЛИК ТАЛАБ  
 ЭТМОҚДА.**

### Тадбирлар

## ОҒОҲЛИКНИ УНУТМАНГ

Ўқувчиларда бу хислатларни ри-  
 вожлантириб бориш, улар маънавий  
 олами бойитиш, тафаккур дунёси-  
 ни кенгайтириш ва фаолият кўрсата-  
 ётган партиялар ҳаёти билан яқиндан  
 таништириш мақсадида Тошкент ту-  
 ризм касб-хунар коллежида «Огоҳлик  
 — давр талаби» мавзусида тадбир  
 ўтказилди.

Уни маънавий-маърифий ишлар  
 бўйича директор ўринбосари Баҳодир  
 Валиев олиб борди. Ўзбекистон те-  
 лерадиокомпаниясининг сиёсий ша-  
 рҳловчиси Қобилбек Каримбеков Тад-  
 биркорлар ва ишбилармонлар хара-  
 кати — Ўзбекистон либерал-демок-  
 ратик партияси Юнусобод туман Кен-  
 гаши раиси Боситхон Юсуповлар тад-

бир иштирокчиларига турли оқим-  
 лар, зарарли одатлар ва уларнинг  
 оқибатлари ҳақида сўзлаб, ҳаммиша  
 огоҳлик зарурлигини таъкидладилар.  
 Шунингдек, партия фаолияти  
 ҳақида саволларга ҳам батафсил жа-  
 воб бердилар.

— Коллежимизда бундай учрашув  
 ва тадбирлар тез-тез ўтказилиб ту-  
 ради, — дейди 1-босқич ўқувчилари  
 Жамшид Хасанов ва Одина Назарова-  
 лар. — Албатта, бугунги суҳбатдан ҳам  
 ўзимизга тегишли хулосалар чиқариб  
 олдик. Бўш вақтни китоб ўқиш, маъ-  
 навийятни ошириш каби фойдали иш-  
 ларга сарфласан муаммолар ҳам бар-  
 ҳам топаверлади.

**Маҳмуда ЗОИРХОН қизи**

**БУГУНГИ ЖУМА ЎЗГАРИШЛАР, ВАЗИЯТЛАРНИНГ  
 ТАҚОРЛАНИШИ ВА ЭСКИ АЛОҚАЛАРГА ҚАЙТИШ ҲОЛАТЛАРИ  
 БИЛАН ТАВСИФЛАНГАН. КЎПРОҚ МУЛОҚОТДА БЎЛИШ,  
 БИЛМЛАРНИ ЭГАЛЛАШ, МАЛАКАНИ ОШИРИШ ВА ҲУНАР  
 ЎРГАНИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ. ҚЎЛ УЧИ БИЛАН ҚИЛИНАДИГАН  
 ИШЛАР УНУМЛИ БЎЛАДИ.**

### Мунажжим башорати

## ТУШЛАР БАШОРАТЛИ БЎЛАДИ

10 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

Бугун алдаш, бажаришга  
 кўзингиз етмайди деган нарсаларда  
 ёлгон ваъда бериш мумкин эмас.  
 Соат 14 дан кейин қарзга пул  
 олиш ва пул бериш, харидлар  
 қилиш ёки ҳужжатларни имзолаш  
 матлуб эмас.

Ой сайёраси ритмлари Куёш  
 ритмларига зид бўлади. Бу ҳолат  
 ривожланишнинг янги марралари-  
 га чиқиш ёки «ўз доирасида» ай-  
 ланаверишни тақозо этади. Сиз-  
 нинг хоҳиш-иродангиздан қатъи  
 назар, ҳаёт фақат ўзингизга му-  
 носиб кўрган нарсасингизга тақ-  
 вил қилади. Мунажжимлар фикр-  
 Ҳар қандай ҳолатда ҳам ишдан бўйин  
 товламаган. Эгер, бугунги ишлар-  
 ингизнинг ҳаммаси аввалги ха-  
 толарингизни тузатиш, берган

ваъдаларингизнинг устидан чи-  
 қишга қаратилган бўлади.

Уйингизга бирон жониворнинг  
 кириб келиши, ялтироқ тош ёки  
 олиш ва пул бериш, харидлар  
 қилиш ёки ҳужжатларни имзолаш  
 аломатлари ҳисобланади. Шиша  
 идиш, дераза ёки кўзгунинг си-  
 ниши ёхуд соатнинг тўхтаб қоли-  
 ши нохушлик аломатларидир.

Тушлар башоратли бўлиши  
 мумкин. Осмон, юлдузлар, да-  
 рахтлар ва гулларни, шунингдек  
 марҳум қариндошларни кўриш —  
 яхшиликка. Ўзингизни яланғоч  
 ҳолда қўришингиз, вино ичиш  
 ёки бирон нарсани ейиш нохуш-  
 ликларга ишора.

Юрак-қон томир тизими, умур-  
 тқа поғонаси заифлашган бўлади.  
 Кечкурун ҳаммом қилиш, спорт  
 зали, косметика салоғига ташриф  
 буюриш фойдали.

Кийимлардан сариқ ва яшил  
 ранглилари омадли ҳисобланади.  
 Кулранг, қора ва қизил рангли  
 либосларни кейинги кунларга ас-  
 раб қўйинг.

### «01»

## ТАДБИРКОРГА ШАРОИТ ЯРАТИШГА ҲИССА ҚўШАМИЗ

Фармоннинг моҳияти мутасаддилар ўр-  
 та-сида атрофича муҳокама қилиниб, унинг иж-  
 росини таъминлаш йўли, ёнғин хавфсизлиги  
 бўлими томонидан ўтказиладиган текширув-  
 ларни кескин қисқартириш, тадбиркорликни  
 ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, улар-  
 га амалий, услубий ёрдам беришнинг янги  
 усуллари ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга  
 татбиқ этиш йўналишлари ҳақида келишиб  
 олинди.

Хусусан, туманда фаолият юритаётган са-  
 ноат корхоналари ва савдо тормоғи объек-  
 тлари ёнғин хавфи ва техник ҳолатига кўра  
 гуруҳларга тақсимланиб, 2006 йилда ушбу  
 асосда назорат текширувлари ўтказилиши ре-  
 жалаштирилди. Чунки баъзи гуруҳга мансуб  
 бўлган объектилар, масалан: ишлаб чиқариш  
 корхоналари, ёнғин хавфи шохобчалари,  
 ёғоч маҳсулотларига ишлов бериш корхона-  
 лари, кўп қаватли уйларнинг пастки қаватла-  
 рида жойлашган масканларнинг кўп қисми-  
 нинг ёнғин хавфсизлиги ҳолати ҳозирги кун  
 талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Корхона, ташкилот раҳбарларига ва тад-  
 биркорларга мавжуд камчиликларни барта-


раф этиш ва уларни ёнғин хавфсизлиги меъ-  
 ёри талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳолга  
 келтириш мақсадида тегишли амалий ва ус-  
 лубий ёрдамлар кўрсатилиши йўлга қўйил-  
 моқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, тумандаги кор-  
 хоҳа ва ташкилотларда бу борада қатор иж-  
 обий ишлар амалга оширилди. Ёнғин хавф-  
 сизлиги қондалари бажарилмаса, уларнинг  
 ўзига зарар келтириши тўғрисида тушунти-  
 риш ишлари олиб борилди.

Бугунги кунда туман мутахассислари назор-  
 ат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқ-  
 лаштирувчи Республика Кенгаши туман ху-  
 ду-дий комиссиячи вакиллари иштирокида дав-  
 ра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки,  
 Фармон моҳияти текширишларни кескин қис-  
 қартириш, тадбиркорлар фаолиятига кенг йўл  
 очиб ва республикамизда ишбилармонликни  
 янада ривожлантиришга қаратилгандир.

**Н.ХўҲАЕВ,  
 Собир Раҳимов туман ИИБ  
 Ёнғин хавфсизлиги бўлими  
 бошлиғи, майор.**



Сўзсиз сурат

Баҳромжон Калонов чизган расм

### ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Прези-  
 дентининг 2006 йил 11 январдаги  
 ПФ-37/13 сонли Фармони асосида  
 Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани-  
 да 2002 йил 4 июлдаги №1058-  
 сонли қарор билан рўйхатдан ўтган  
 Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Транс-  
 портнинг барча турлари фаолиятини  
 мувофиқлаштириш Маркази»  
 — Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўлов-  
 чи транспортнинг барча турлари  
 ҳаракатини лицензиялаш ва муво-  
 фиқлаштириш Департаментига ай-  
 лантирилди.  
 Юқоридегиларни инobatта олган  
 ҳолда туғилган саволлар ва даъ-  
 волар бўйича 2 ой мобайнида  
 А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй манзи-  
 лига мурожаат қилишингиз мум-  
 кин.

FUND FORUM. UZ | TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI | AMOLOT

O'zingni ko'rsat!  
 Olimp choqqisini zabt et!  
 Iqtidorningni namoyish et!

## INTELLEKTUAL OLIMPIADA

20-27.02.2006

Nima? Qachon? Qayerda? Breyn ring, Svoya Igra, intellektual SMS, shashka, shaxmat va komp'yuter o'yinlari bo'yicha turli xil tanlovlar.

Qo'shimcha ma'lumotlar "Kamolot" Yo'l tuman bo'limlarida

**Бош муҳаррир  
 Акмал АҚРОМОВ**

**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
 ҲОКИМЛИГИ**

Буюртма Г-406

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
 хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,  
 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
 5218 нусхада босилди.  
 Қоғоз бичими А-2

**Газета Тошкент шаҳар  
 Матбуот ва ахборот  
 бошқармасида 02-1-рақам  
 билан рўйхатта олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба,  
 пайшанба ва жума кунлари чиқади.*  
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар  
 жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент  
 почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат  
 қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер  
 марказида терилди ва сақланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.  
 Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6